O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ... PALATASI
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2004-YIL ■ 20-IYUL ■ SESHANBA ■ 86 (27.261) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

МУЗАФФАР ЭЛНИНГ ҒОЛИБ ФАРЗАНДИ

Бир ҳафтадан буён юртимизда байрам, хурсандчилик, шодиёна. 2004 йил 13 июлни тарихий сана сифатида нафақат бугунги авлод, балки биздан кейин озод ва обод Ватанимиз сарҳадларида умргузаронлик қиладиган неча-неча авлодларимиз ҳам фахр туйғуси билан нишонлаши тайин. Зеро, шу куни ўзбек шоҳмотчиси Рустам Қосимжоновнинг номи дунёга достон бўлди.

Буюк бобокалонимиз Алишер Навоий 9 ёшида битган байти билан шеърият мулкининг бўлғуси султони эканини аён этгани ёки Заҳириддин Муҳаммад Бобур 12 ёшида салтанат тожини кийгани каби 10 ёшида Ўзбекистон чемпиони, 15 ёшида Осиё қитъаси чемпиони тимсолида ўзини кўрсатган Рустам Қосимжонов бу гал — 24 ёшида ўз билими ва иқтидори билан курраи заминни лол қолдирди.



Рустам ноёб истеъдод соҳиби сифатида миллатдошларимиз орасида ҳали ҳеч ким эришмаган юксак аъмол — Шоҳмот бўйича жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлди. Агар шоҳмот оламининг энг нуфузли мусобақаси — жаҳон чемпионати XIX асрдан буён ўтказилаётганини ва ана шу узоқ даврда бу беллашувларда юртимиз ўғлонига қадар атиги 16 нафар хорижлик спортчи жаҳон тожини қўлга кирита олганини назарда тутадиган бўлсак, Рустам Қосимжонов нафақат Ўзбекистоннинг, айни чоғда олти миллиард нафар аҳоли истиқомат қиладиган она сайёрамизнинг ардоқли ва омадли чемпиони экани ойдинлашади.

Холисона айтганда, не-не буюк зотлар учун муқаддас бешик бўлган қадимий заминимизда — айнан ўзбек диёрида туғилиб, камол топган Рустам Қосимжоновнинг жаҳон шоҳмот тожини қўлга киритгани тасодифий ҳол эмас. Бу музаффарият, аввало, она юртимизда азалдан мавжуд маданий муҳит, юксак тафаккур мактабининг мантиқий ҳосиласидир. Шунинг баробарида, бундай олиймақом натижа истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлоднинг ҳар томонлама камолга етиши йўлида барча шарт-шароит ва қулайликлар муҳайё этилганининг яққол самарасидир.

Рустам Қосимжонов ушбу ғалабаси билан ўзининг Беруний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний каби неча-неча буюк сиймоларимизга муносиб ворис эканини кўрсатди. Бу воқелик тимсолида юксак ақл-заковат, мустаҳкам ирода ва шижоат соҳиблари бой тарих ва бетакрор маданиятга, теран маънавий илдизларга эга, ўз аждодларининг беқиёс меросини асраб-авайлаш, муносиб даражада ривожлантиришга интилиб яшаётган халқ орасидан етишиб чиқишидек муқаррар ҳақиқат яна бир бор ўз исботини топди.

Ўзбекистон, ўзбек миллати, Ўзбекистон халқи ҳеч кимдан кам эмаслиги ва кам бўлмаслигини жаҳонаро баралла тараннум этган мард ўғлон куни кеча Ватан тупроғига жаҳон чемпиони бўлиб қадам қўйди.

Шоҳмот оламида катта обрў-эътибор қозонган юртдошимизнинг мамлакатимизга музаффар қайтиши муносабати билан 17 июль оқшомида пойтахтимиз кўчалари яна байрамона тус олди. Шодиёналар маркази — Тошкент халқаро аэропортида карнай-сурнай садолари янгради. Хушвақт наволарга шўх лапарлару шаҳдам ва диловар рақслар эш бўлди.

Шижоатли йигитларимиз қўлида юрт байроғи мағрур ҳилпирайди. Лобар қизларимиз тутган гулдасталардан ифор таралади. Қаҳрамон ўғлонимизни кутиб олишга чиққан минглаб ҳамюртларимизнинг юз-кўзларида ҳаяжон, фахр ва ифтихор туйғулари жилваланади. Юзлаб қўллар кўтарган ранг-баранг матолардаги: «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз ҳам!», «Чемпион муборак, Ўзбекистон!», «Ўзбегим ўғлони — жаҳон чемпиони!», «Ўзбекнинг шуҳрати тилларда достон!» каби шиорлар йиғилганларга ғурур ва шодлик улашади.

«Франкфурт — Тошкент» йўналиши бўйлаб парвозга чиққан самолёт ҳали ҳавода эса-да, кутиб олиш майдончаси мўътабар нуронийлар, жажжи фарзандларини етаклаган ота-оналар, шаҳар жамоатчилиги вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, ёшлар, спорт жамоалари аъзолари — бўлажак чемпионлар билан гавжум.

Бу ерда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Бош вазир ўринбосари А.Азизхўжаев, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири А.Орипов, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, илм-фан, маданият ва спорт соҳаси намояндалари Рустам Қосимжоновни кутиб олиш учун ҳозир бўлдилар.

Ниҳоят, ўзбек чемпиони муқаддас диёримизга ёруғ юз билан қадам қўйди. Уни ўзбекона урф-одатларимиз билан олқишлаш фурсати етди. Ҳаво кемаси зиналаридан ўқтам одимлар билан тушиб келган Рустамнинг эгнига зарбоф сарполар кийгизилди.

Рустам билан самода бирга парвоз қилган ҳамюртларимизнинг айтишича, ҳаво кемасида стюардесса тантанали оҳангда: «Самолётимизда шоҳмот бўйича жаҳон чемпиони, навқирон ўзбек ўғлони Рустам Қосимжонов биз билан бирга парвоз қилмоқда!», деб эълон қилган. Шунда чемпионимизни кўрган-билган юртдошларимиз, ўзбек шоҳмотчисини танимаса-да, унинг юксак ғалабасидан хабардор хорижлик йўловчилар бирма-бир қутлашга ошиққан.

Бу қутловлар она заминда давом этди. Ҳар қадамда таҳсину олқишлар, эзгу дуолар, «Болам Рустамжонга ўхшаб чемпион бўлсин!», деган ҳавас ва орзуниятлар.

— Рустам бизнинг ғуруримиз, — дейди унинг маҳалладоши Убайдулла Орифжонов. — У илгари ҳам катта ютуқларга эришган, дунёнинг энг илғор шоҳмотчилари билан тенгма-тенг бел олишган. Биз бу йигитнинг интилувчанлиги, одамохунлиги, билимга чанқоқлигидан ҳайратланамиз. Унга ҳаммамиз ҳавас қиламиз ва у эришаётган ютуқлардан фахрланамиз.

— Рустам ҳақиқатан ҳам мақтаса арзигулик йигит, — деб суҳбатга қўшилади Тоҳир Муҳаммадхўжаев. — Мен унинг ўзи ва акаси билан кўп йиллик дўстман. Яхши-ёмон кунларда бирга бўламиз, тўй-ю маъракаларда ёнмаён туриб хизмат қиламиз. Рустам жуда банд бўлишига қарамай, қариндош-уруғ, ёр-биродаридан хабар олиш, ҳол-аҳвол сўрашни канда қилмайди.

— Рустамнинг бир фазилати бизни доим лол қолдириб келади — у жуда тиришқоқ ва ўта меҳнаткаш йигит, — дея суҳбатимизга қўшилади чемпионнинг дўсти Анвар Ғозиев. — Ҳаётда ҳамманинг ҳам катта-кичик орзуси бўлади. Лекин унга етиш учун астойдил интилиш, матонат билан меҳнат қилиш барчанинг ҳам қўлидан келавермайди. Рустам эса шундай — матонатли инсонлардан. У болалигида Гарри Каспаров билан шоҳмотда куч синашишни орзу қиларди. Мана, энди у орзусига етадиган бўлди.

Бундай некбин, ғурур ва ифтихорга йўғрилган самимий дил изҳорлари бежиз эмас. Зотан, Ливиянинг Триполи шаҳрида жаҳоннинг манаман деган шоҳмот усталари иштирокида қарийб бир ой давом этган кескин ва машаққатли беллашувларда эришилган юксак ғалаба билан қанча ғурурлансак арзийди.

— Ростини айтсам, ғалаба йўли осон кечмади, — деб эслади бу ҳақда Рустам. — Лекин, мусобақа кунлари йигирма олти миллионлик халқимизнинг, Юртбошимизнинг эътибори ва ғамхўрлигини ҳар лаҳзада ҳис қилиб турганим менга жуда катта мадад берди.

Ҳа, ҳамюртимиз, музаффар ўзбек ўғлони жаҳон шоҳмот тожини кийди ва унинг бу ютуғи том маънода миллатимизнинг улкан ғалабасидир. Президентимиз Ислом Каримов шу муносабат билан Рустам Қосимжоновга йўллаган табрикда: «Сен эришган бу беқиёс ғалаба мамлакатимиздаги барча шоҳмот мухлислари, спорт жамоатчилиги, бутун халқимизга чексиз қувонч ва ғурур бағишлайди», дея битилган самимий фикрлар ҳам шундан далолат бериб турибди.

Рустамнинг улкан ғалабаси мамлакатимизда спортни ривожлантириш, ёшларнинг билим ва салоҳиятини янада ошириш масалаларига катта эътибор қаратилаётганининг ва бу эзгу ишлар шахсан Президентимизнинг доимий эътиборида эканининг яна бир амалий ифодасидир.

Дарвоқе, буни шоҳмот тожи соҳиби давлатимиз раҳбарига йўллаган жавоб хатида ҳам тасдиқлайди: «Мен бу ютуқни устозларимнинг меҳнати ва албатта Сизнинг бевосита эътибор ва ғамхўрлигингиз натижаси деб биламан. Ва бу менга доимо куч-қувват беради. Шунинг учун ҳам бугун мен эмас — Ўзбекистон чемпион бўлди, жаҳон шоҳмот тожига мен эмас — бутун ўзбек халқи сазовор бўлди деб ҳисоблашингизни сўрайман».

Рустам бу фикрларини Тошкент аэропортидан уйига қадар кузатиб борган журналистлар билан мулоқоти чоғида яна бир карра эътироф этди:

— Мен айнан Мустақиллик йилларида шоҳмотчи бўлиб танилдим, — деди у. — Илгари ҳам айтганимдек, истиқлол бўлмаганида мен қаерда эдиму, бундай нуфузли мусобақаларда ғолиб бўлишим қаерда эди.

Худди шунинг учун ҳам Рустам Қосимжонов ўзининг ушбу ғалабасини яқинлашиб келаётган энг улуғ ва энг азиз байрамимиз — Ўзбекистон Мустақиллигининг 13 йиллигига бағишлади. Бу — озод диёр фарзандининг ўзини камолга етказган эл-юртига муносиб эҳтироми ифодасидир.

Омад сенга ҳамиша ёр бўлсин, халқимизнинг матонатли ўғлони!

Ғулом МИРЗО,
Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
Бобур СОБИРОВ,
ЎзА мухбирлари

13 ИЮЛЬ

Ахир етиб келди мозийнинг уни,
Шатранж тарихининг бурилиш куни.
Жаҳон тахти узра узукда кўздек,
Бугун ўзинг безаб турибсан уни.
Бормисан, она юрт!
Бормисан, ўзбек!

Йўқ эди ҳам бошқа йўли бу сафар,
Инсофдан бўлмасди бошқача хабар.
Сен от сурган дамлар очунда бекдек,
Пиёда юришни билмасди кўплар.
Бормисан, она юрт!
Бормисан, ўзбек!

Ўт олиб Туроннинг ҳур алласидан,
Ақлу заковатнинг авж палласидан.
Энг баланд чўққига учганча ўқдек,
Зафар қучган тождор ўғлонинг билан.
Бормисан, она юрт!
Бормисан, ўзбек!

Илдизини пайқаб ҳар бир ниҳолдан,
Ўн уч баҳор кутган гул Истиқлолдан.
Йўлбошчингнинг азмин тутганча туғдек,
Фахрингга айланган Рустам Қиролдан,
Бор бўлгин, она юрт!
Бор бўлгин, ўзбек!

Акиф АЗАЛП

СИФАТЛИ, ЧИДАМЛИ ВА АРЗОН

Каттақўрғон туман газлаштириш идораси ишчи-хизматчилари газ қувурларини эррозияга чидамли пластмасса қувурлар билан алмаштираяпти.

Вилоятда илк бор аҳолига табиий газ етказиб беришда фойдаланилаётган ушбу қувурлар ўзининг эррозияга чидамлилиги, сифатлилиги ва камхаржлиги билан соҳа ходимларини қизиқтириб қолди.

— Жиззахдаги Ўзбекистон — Германия Л.Р.С. қўшма корхонаси ишлаб чиқараётган мазкур қувурлар электрокимёвий ҳимояга мухтож эмас, — дейди **туман газлаштириш идораси раҳбари Абдуқодир Олимов.** — Олайлик, темир қувурлар 25 йилдан сўнг таъмир талаб этса, пластмасса қувурлар кафолати — 50 йил. Бугунгача тумандаги Дурбеш, Муллокичкина, Кичиккўрпа қишлоқларига шундай газ қувурлари етиб борди.

Шуҳрат ҚАРШИЕВ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ САЙЛОВИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ, УНИ ЎТКАЗИШ ВА СЕНАТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЮЗАСИДАН МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҲАРАКАТЛАР ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуннинг 9, 10-моддалари ва Марказий сайлов комиссияси Регламентининг 9, 10, 28-моддаларига асосан Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси сайловига тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш ва Сенатни шакллантириш юзасидан Марказий сайлов комиссиясининг ҳаракатлар дастури тасдиқлансин.

2. Мазкур дастур тегишли давлат ҳокимият органлари, вазирлик, ташкилотлар, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, корхона, муассасалар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ижро этиш учун юборилсин.

3. Ушбу дастур бажарилишининг бориши қаттиқ назорат остига олинсин, бу вазифа Марказий сайлов комиссиясининг Раиси Б.Мустафоев зиммасига юклатилсин.

4. Мазкур қарор матбуотда эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Раиси Б.МУСТАФОЕВ

Тошкент шаҳри,
2004 йил 17 июль

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳаётидан

МАСЛАҲАТ БИЛАН БИТАР ҲАР ИШ

СИРДАРЁ ТУМАНИДА БЎЛИБ ЎТГАН УЧРАШУВДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАЪМУРИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ КЕЧИШИ, АҲОЛИНИ ТАШВИШЛАНТИРАЁТГАН МУАММОЛАР, ХДП ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ ЮЗАСИДАН ТАКЛИФ ВА МУЛОҲАЗАЛАР БИЛДИРДИЛАР

Бундан бир оз вақт олдин ЎзХДП Сирдарё туман конференциясида партия фаоли, меҳнат фахрийси Абдулҳақ Абдушоҳидов бир таклиф билан чиқди. Катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган бу инсон сиёсий партиялар учун ғоятда масъулиятли бўлган жорий йилда бўлиб ўтадиган ялпи сайловлар ва сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиришлар тўғрисида партия раҳбарияти билан учрашув ўтказилса, мақсадга мувофиқ бўлишини билдирди.

Ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлаган ХДП МК биринчи котиби Аслиддин Рустамов, Сирдарё тумани ҳокими Ҳамробой Раззоқовлар ҳамкорликда фахрийлар даврасида ўзаро мулоқот ўтказдилар.

Аввало йиғилганлар жойларда ижтимоий-иқтисодий ва маъмурий ислоҳотларнинг кечиши, аҳолини ташвишлантираётган муаммолар, ХДП ташкилотларининг фаолияти юзасидан таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Солия ДАВЛАТОВА, вилоят партия кенгаши ижроия бюро аъзоси, меҳнат фахрийси:

— Биз энг олдин бошланғич партия ташкилотлари ишини кучайтиришимиз, ойлик бадаллар тўпланишини назорат қилишимиз зарур. Шунингдек, партия барча жабҳаларга кириб бориши, юрагида ўти борларни ўз сафига жалб этиши кераклигини даврнинг ўзи талаб этмоқда.

Баҳром ҳожи ЯҲЁЕВ, меҳнат фахрийси:

— Жамиятда танқид бўлиши керак. Ўшандагина олдинга силжиш мумкин. Бугун ОАВларида муаммолар, уларни илдизини очиб берувчи дадил чиқишлар кўпайса, одамларни эртанги кунга бўлган ишончи янада ортар эди. Шунингдек, ахлоқий тарбия, миллий қадриятларимиз, уларнинг ёш авлод камолидаги ўрни барча сиёсий кучларнинг диққат марказида туриши керак. Партиямиз ташаббус кўрсатиб одамларни қийнаётган, раҳбарият назаридан четда қолаётган масалаларни дадил кўтариб чиқиши зарур.

Вадим ДУБКОВ, Гулистон давлат университети доценти, ХДП аъзоси:

— Биз учун ушбу йил жуда катта аҳамиятга эга. Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ўтказиладиган сайловлар партиялар ўртасидаги сиёсий курашга айланади.

2-бет



«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ» КЎРИК-ТАНЛОВИ

Республика «Тасвирий ойина» ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмалари мустақиллигимизни васф этувчи асарлар учун эълон қилган анъанавий **«Энг улуғ, энг азиз»** кўрик-танлови давом этмоқда.

Унда ижоднинг барча соҳа вакиллари мамлакатимиздаги бунёдкорлик сурурини акс эттирувчи асарлари билан иштирок этиши мумкин.

Кўрик-танлов истиқлолимизнинг 13 йиллиги арафасида якунланади.

Ижодий ишлар шу йилнинг 10 августига қадар қуйидаги манзилга юборилиши лозим.

Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Республика «Тасвирий ойина» ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмалари

Об-ҳаво

ЁЗ ЧИЛЛАСИДА... БАҲОР ҲАВОСИ

Мана, ёз фаслининг тенг ярмидан ошдик. Юртимизда пишиқчилик, тўкин-сочинлик палласи. Боғларимиз болга тўлаяпти. Ҳаммаси рисоладагидай, фақат саратонда жазирамага ўрганган деҳқоннинг кўнгли бирозгина тўлмаяпти, холос. Елкани куйдирадиган офтобни қумсаяпти у. Чунки ғўзага, экинга шундай иссиқлик зарур, шунда «ҳосил қозони тез қайнайди», эрта пишиб етилади. Афсуски, бу йилги ёз чилласи ҳали кучини кўрсата олмаяпти. Уч-тўрт ҳафтаки, осмондан булут аригани йўқ: деярли ҳар куни ёки кунаро ёмғир гоҳ шивалаб, гоҳ севалаб турибди, шаррос қуйган пайтлари ҳам оз эмас. Шунга ҳам шукр! Оммавий ахборот воситалари тарқатаётган хабарларга кўра, дунёнинг баъзи мамлакатларида, айни ёз фаслида сел, дўл, қор ёғиши натижасида кўплаб талафотлар, қурбонлар бўлаяпти. Юртимизни бундай бало-қазолардан Аллоҳнинг ўзи асрасин!

Об-ҳавонинг бу йилги «кўриниши»ни мутахассисларимиз чуқур ўрганишаяпти, албатта, яқин орада бу ҳақда ўз кузатувлари ва хулосаларини бизга айтадилар. Ҳозир эса ҳар биримизни қизиқтираётган «Об-ҳаво эрта-индин қандай бўлар экан?» деган саволга жавоб ахтарамиз.

«Бошгидромет» берган маълумотларга кўра, бугун мамлакатимизда ҳаво бироз булутли бўлади, ёғингарчилик юз бермайди. Фақат Фарғона водийси вилоятларининг айрим жойларида қисқа муддатли ёмғир ёғиб ўтиши, момақалдироқ бўлиши, баъзи туманларда дўл ёғиши мумкин. 21-24 июль кунлари республика бўйича ҳаво булутли бўлиб туради, ёғингарчилик юз бермайди.

Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. 20-21 июль кечаси 17-22 даража, кундузи 31-36 даража иссиқ бўлади. 22-24 июлда эса симоб устуни кечаси 20-25 даражага, кундузи 34-39 даражага кўтарилади.

Бобо САРОЙИ

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
BANK XALQ BANKI
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 137-23-98, 137-10-20, 134-75-57; Faks: 136-76-22.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳаётидан

МАСЛАҲАТ БИЛАН БИТАР ҲАР ИШ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 13700 дан зиёд бўлган бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов мажлислари ниҳоясига етди. Уларда партия аъзолари, ХДПдан Олий Мажлисга, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайланган депутатлар, жамоат бирлашмалари вакиллари иштирок этдилар.

Хўш, бу мажлисларда қандай масалаларга алоҳида урғу берилди? Муҳокамалардан қандай хулосалар чиқарилди? Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши котиби Собиржон УСМОНОВ билан суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.

— Мазкур йиғилишларда ҳисобот даврида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиш билан бир қаторда, партия ташкилотларининг келгуси иш режаларини белгилаб олиш, сайловлар муносабати билан фаоллигини ошириш, Олий Мажлис XIV сессияси якунлари ва унда мамлакат Президенти И.А.Каримовнинг нутқидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисидаги масалалар кенг муҳокама этилди.

Мазкур йиғилишларда 55388 киши сўзга чиқди. Улар ижтимий-иқтисодий масалаларни кўтариш билан бир қаторда партиянинг турли даражалардаги раҳбар органлари, ХДПнинг Олий Мажлисдаги фракцияси ҳамда давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларидаги партия депутатлик гуруҳлари фаолиятига ҳам тегишли баъзи танқидий фикрларни ҳам билдирдилар. Жумладан, юқори ташкилот раҳбарларининг бошланғич партия ташкилотларида кам бўлишлари, партия нашрларида қуйи ташкилотларнинг бевосита ишлари, уларнинг фаоллари саъй-ҳаракатлари ҳақида мақолалар кам чоп этилиши, аҳолининг турмуш шароитларини яхшилаш, коммунал хизмат тўловларини тартибга солиш, солиқ ставкаларини камайтириш тўғрисида қонунлар қабул қилинишини Олий Мажлисдаги ХДП фракцияси томонидан сессиялар кун тартибига киритилиши таклиф қилинмаганлиги танқид қилинди.

— Собиржон Абдуназарович, албатта, ҳисобот-сайлов мажлисларида ЎзХДП Уставининг янги таҳрири лойиҳаси ҳақида ҳам кўплаб фикрлар, таклиф ва мулоҳазалар билдирилгани аниқ. Уларни шарҳлаб, муносабат билдириб ўтсангиз, яхши бўларди.

— Маълумки, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши VII пленуми партия ташкилотлари фаолиятини эркинлаштириш мақсадида ХДП Уставининг янги таҳрири лойиҳасини кўриб чиқиб, уни умумпартиявий муҳокамага қўйди. Ўтказилган бошланғич партия йиғилишларида партияни ислоҳ қилиш масаласи ҳамда Устав лойиҳаси қизғин муҳокама қилинди. Аксарият йиғилишларда партиянинг янги таҳрирдаги Устави асосан маъқулланиб, шу билан бирга, айрим моддалар бўйича, яъни: Уставнинг 7-моддасига **«баъзи кичик корхона, ташкилотлардаги ходимлар сони камлигини инобатга олган ҳолда, бошланғич партия ташкилотлар камида 3 нафар партия аъзосидан тузилиши»**, 66-моддасига **«партия аъзолик бадаллари миқдорини эскича, яъни иш ҳақидан 1 фоиз миқдорида қолдириш»** мақсадга мувофиқлиги каби аниқ таклифлар киритилди. Уставнинг янги таҳрири лойиҳасининг муҳокамаси ҳисобот-сайловларнинг иккинчи босқичи — шаҳар, туман ва минтақавий партия ташкилотлари конференцияларида давом этмоқда.

— Бизда мавжуд маълумотларга кўра, бу галги ҳисобот-сайлов мажлисларида корхона ва ташкилот раҳбарларини БПТга котиб этиб сайлаш ҳолатлари кўпайган. Бу нимадан далолат беради? ХДПнинг одамлар орасида нуфузи ортиб бораётганини кўрсатувчи далил эмасми?

— Айтиш керакки, жорий қонунлар ва партия Низомида партия аъзоларининг иш фаолияти билан боғлиқ жойларда партия ташкилотлари котибларини этиб, тегишли ташкилот, корхона раҳбарларининг сайланиши чегараланмаган.

Бошланғич партия ташкилотининг фаолияти, аввалambor, унга раҳбарлик қилаётган шахсга боғлиқ. Ҳисобот-сайлов мажлисларининг асосий мақсадларидан бири ҳам — партия ташкилотларига муносиб раҳбарларни сайлаб олишдир. У партия ташкилотига раҳбарлик давомида партиявий ишларга масъулият билан ёндашиб, аҳоли ўртасида партиянинг обрўсини оширишга эриша олиши лозим. Буни уддалаш, кўпроқ ўз имконияти ва салоҳияти билан кўпчиликни бошқара оладиган жамоа раҳбарининг қўлидан келиши шубҳасиздир.

Афсуски, шу пайтгача қуйи ташкилотлар фаолияти суст бўлишининг сабабларидан бири — ХДП аъзоси бўлган айрим корхона, ташкилотларнинг раҳбарлари ўзларини фаол партиявий ишлардан четга тортганликларидадир. Нега бундай раҳбарлар партия аъзоси бўла туриб, тарғибот-ташвиқот ишларига бевосита аралашмайди, ёрдам бермайди, деган савол туғилиши табиий.

Шундан келиб чиқиб, жамоа раҳбарининг айнан бир пайтнинг ўзида партия ташкилотига котиб этиб сайланиши ва бошланғич партия ташкилотига раҳбарлик қилиш жараёнида вазифаларнинг тақсимотига янгича ёндошиш бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишлари жараёнида муҳим аҳамият касб этди. Ҳисобот-сайловларнинг якуни бўйича берилган маълумотларга кўра, бошланғич партия ташкилотларига сайланган котиблардан 1394 тасини (10%) раҳбар лавозимларда ишлаётганлар ташкил этди.

Тошкент шаҳридаги 51 та партия ташкилотида раҳбарлар етакчилик қилишмоқда. Улар ичида тадбиркор ва ишбилармонлар ҳам борлиги ижобий ҳолдир. Булар «Ўзмед» концерни раиси А.Қаюмов, «Фаол Транс» корхонаси раиси Х.Собиров, «Муҳаббат она» хусусий фирмаси директори М.Қосимова, «Саида» тижорат корхонаси директори Х.Ирзаев, «Ҳасанбой ота» Х.Ж. раиси М.М.Файзиев ва бошқалар.

Тегишли бошланғич партия ташкилотлари ҳисобот-сайлов йиғилишларида «Сирдарёавтойўл» давлат ҳиссадорлик жамияти директори, ХДПдан халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Н.Шосаидов, Гулистон шаҳар «Бўстон» маҳалласи раиси Я.Патединов, Сирдарё вилояти «Электр тармоқлари» ҳиссадорлик жамияти директори А.Қўчқоровлар БПТ котиблари этиб сайландилар. Гулистон шаҳрида фаолият кўрсатаётган бошланғич партия ташкилотларининг салкам 40 тасида тегишли корхона, муассаса раҳбарлари партия етакчилари этиб сайланганлигини қайд этиш лозим.

Тошкент вилоятида бундайлар 119 тани ташкил этади. Чунончи, Янгийўл шаҳридаги «Файзиобод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Г.Исмоилжонов, Ангрен шаҳридаги «Бўстон» ва «Нуробод» маҳаллалари фуқаролари йиғинлари раислари А.Шарипов ва Ж.Алиевлар тегишли ҳудудий бошланғич партия ташкилотларга котиб этиб сайландилар.

Бухоро вилояти «Бегризон», «Чорсу» маҳаллалари раислари В.Маҳбубов, Ш.Сайфутдинов, «Ғаллаосиё» ХЖ раиси М.Мирзаевларнинг бошланғич партия ташкилотларининг етакчилари этиб сайланганликларини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Андижон вилоятида 114 та, Жиззах вилоятида 112 та, Навоий вилоятида 172 та, Фарғона вилоятида 196 та бошланғич партия ташкилотларининг котиблари этиб мазкур меҳнат жамоаларининг раҳбарлари сайландилар. Шу билан бирга Бухоро, Қашқадарё, Хоразм вилоят партия кенгашларида бундай амалиётни кенг татбиқ этиш масаласига совуққонлик билан ёндошишлар бўлди.

— Албатта, бунда мажлис чоғида кўтарилган ёки муҳокама этилган масалаларнинг долзарблиги, халқимиз ҳаёти, мамлакат тақдирига нечоғли дахлдорлиги асосий мезон ҳисобланади. Шундай эмасми?

— Бўлиб ўтган йиғилишларда партия аъзолари томонидан ХДП ташкилотлари партия нашрлари, ХДПнинг Олий Мажлисдаги фракцияси ва маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари ишини яхшилаш, фаоллигини ошириш, бугун аҳолини ташвишлантираётган муаммоларни дадил кўтариб чиқиш, уларни ҳал этиш йўлларини жамиятга таклиф этиш бўйича қатор таклифлар билдирилди.

Уларнинг баъзиларини санаб ўтаман:

— «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарида партия ташкилотлари фаолиятини кенгроқ тарғиб қилиш;

— «Мулоқот» журнали ўз саҳифаларида мамлакатимиздаги сиёсий жараёнларни ёритишга асосий эътибор қаратиши керак;

— ХДПдан сайланган депутатларнинг сайловчилар олдидаги ҳисобот беришларини кўпроқ ташкил этиш;

— жамиятда ёшлар, аёллар муаммоларини амалий жиҳатдан ҳал этиш чораларини кўриш;

— Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида маҳалла оқсоқолларининг жойларда болаларга, кам таъминланган оилаларга бериладиган тўловлар бўйича ҳисобот беришлари амалиётини доимий равишда татбиқ этиш;

— кўпчилик болалар боғчалари тадбиркорларга сотилиб кетишининг олдини олиш;

— ўқитувчи ва тиббиёт ходимларининг коммунал тўловларига бўлган имтиёзлари компенсациясини кўриб чиқиш.

Бундан ташқари, йиғилишлар иштирокчилари депутатларнинг эътиборини меҳнатга қобилиятли аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларнинг иш билан бандлиги, коммунал хизмат соҳасида кўрсатилаётган хизматлар учун нархларнинг тез-тез оширилаётганлиги, бюджет тўловлари интизомини мустаҳкамлаш, қабул қилинган қонун ва қарорлар ижросининг жойларда таъминланиши устидан назоратни кучайтириш ва бошқа қатор масалаларда қатъиятлилик кўрсатишлари зарурлигига қаратилди.

Ўзбекистон ХДП дастури **«Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, барқарор бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик жамият қуриш, мамлакатнинг ҳар бир фуқаросига муносиб турмуш шароитлари ва унинг фаровонлигини таъминлай оладиган сиёсатни олиб боришни ўз фаолиятининг бош вазифалари, деб ҳисоблайди»** деган сатрлардан бошланади. Шундай экан партия Марказий Кенгаши ва унинг Олий Мажлисдаги фракцияси юқоридаги таклиф ва муаммоларни имкон даражасида ҳал этиб, халқнинг ишончини қозонишга эришишни ўз бурчи ва вазифаси деб ҳисоблайди ҳамда шу нуқтаи назардан бу борада бир қатор аниқ чора-тадбирлар кўрилмоқда. Хусусан, фуқароларнинг ижтимоий соҳага доир таклиф ва мулоҳазаларини кўриб чиқиш ҳамда чора кўриш учун уларни умумлаштириб маҳаллий давлат ижроия органлари, тегишли мутасадди идораларга юборилмоқда. Умид қиламизки, бу масалалар ХДП-ташкилотлари воситалигида ўз ижобий ечимини топади. Олдимизда турган муҳим вазифа — сайловлар жараёнида ғалабага эришиш мақсадида ҳар бир партия фаолидан юксак фуқаролик масъулиятини сезган ҳолда, ишчанлик, ташаббускорлик, қатъиятлилик ва фаоллик билан ишлаш талаб этилади.

Суҳбатдош: Норбобо ШАКАРОВ

ҚАРАШЛАР, НУҚТАИ НАЗАРЛАР ИФОДАСИ

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

«АБИТУРИЕНТ — 2004»

Бугун республикамизнинг барча олий ўқув юртларида бир ой мобайнида давом этган ҳужжатларни қабул қилиш жараёни ниҳоясига етади. Энди абитуриентлар учун ундан-да ҳаяжонли дамлар бошланади. Чунки уларни 10 кундан сўнг бўладиган тест синовлари кутмоқда. Барчанинг ўй-хаёли имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб, ўқув юртининг талабаси бўлиш.

Республика миқёсида энг кўп абитуриентлар ҳужжат топширадиган, талабалар сони жиҳатидан олдинги ўринда турадиган олий таълим муассасаларидан бири Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетидир. Бу ерда «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш юзасидан катта ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда университетда 12 та факультет бўлиб, уларда 24 та йўналиш бўйича бакалавр, 27 йўналишда магистрлар тайёрланмоқда.

— Университетимизга бу йилги қабулда кундузги бўлим бакалавр йўналишига 2250 нафар (шундан 985 таси давлат гранти, 1265 та тўловшартнома асосида) абитуриент қабул қилинади, — дейди қабул комиссияси масъул котиби Нуриддин Сафоев. — Бундан ташқари махсус сиртқи бўлим ҳам мавжуд бўлиб, уларга ўрта-махсус маълумот ҳамда тегишли таълим тури бўйича камида 3 йил амалий педагогик стажга эга бўлган педагогик кадрлар 5 та йўналиш бўйича (режага асосан 690 та, шундан 220 та давлат гранти, 470 та тўлов-шартнома асосида) қабул қилинади. Қабул комиссиясига бугунги кунгача кундузги бўлимга 9368 та, махсус сиртқи бўлимга эса 1500 тага яқин ариза келиб тушди. Ҳали бу рақам яна ортади. Бу эса 1 та ўринга ўртача 7-8 та ҳатто 10 та номзод тўғри келади дегани. Демак, университетимизнинг нуфузи ортиб бормоқда.

Вилоятлардан келган абитуриентлар ва уларнинг ота-оналари учун ётоқхона ва барча шароитлар яратилган. 1 август куни бўлиб ўтадиган адолат мезони — тест синовлари учун эса 12 та бинони ҳозирлаб қўйдик. Эндиги навбат абитуриентларнинг куч ва билимида.

Дилноза ИСЛОМОВА
Суратларда: қабул жараёнидан лавҳалар.
Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

РАҚОБАТ — ЮКСАЛИШ ВА РИВОЖЛАНИШ ГАРОВИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Нукус шаҳар ташкилотининг III конференцияси бўлиб ўтди. Унда шаҳар партия кенгашининг биринчи котиби Саденбай Нурманов Ўзбекистон ХДП Нукус шаҳар кенгашининг ўтган даврдаги фаолияти ва 2004 йилнинг декабрь ойида мамлакатимизда ўтказиладиган сайловлар муносабати билан партия ташкилотларининг асосий вазифалари тўғрисида маъруза қилди.

Ҳисобот даврида шаҳар партия кенгаши ўзининг сиёсий, маънавий-маърифий ишларини Олий Мажлис, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси сессиялари ҳужжатлари, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг маърузалари, ҳукуматимиз қарорлари, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий ва Қорақалпоғистон республика кенгашлари қарорлари асосида ташкил этди.

Ўтган беш йилда партия аъзоларининг сони 970 нафарга кўпайди. Олдинги сайловларда шаҳардаги сайлов округларидан ХДП рўйхати асосида Жўқорғи Кенгес ва шаҳар Кенгашига 16 депутат сайланди. Ишлаб чиқаришда илғор партия фаоллари Марказий Кенгаш ва Қорақалпоғистон республика кенгаши Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди. Жўқорғи Кенгес депутатлари Қ.Утениязов, Э.Хошамов, Т.Тўлепов, шаҳар Кенгаши депутатлари Қ.Алламбергенов, Б.Кетебаева, М.Муятдинов, М.Қабулов, Қ.Мамбетов, Н.Ўтеулиевлар ўз сайловчилари билан мунтазам учрашиб, сайлов округларидаги айрим ечимини кутаётган муаммоларни тегишли ташкилотлар билан бирга ижобий ҳал қилиш борасида намунали иш олиб бормоқдалар. Бундай депутатлик ишларини олиб боришда шаҳар партия кенгашида, сайлов округларида депутатларнинг иш жойларида ташкил этилган депутат қабулхоналари ўзининг ижобий натижасини бермоқда.

Аҳолини иш билан таъминлашда ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган йил давомида 2377 фуқаро иш сўраб мурожаат қилган бўлса, шундан 1561 нафар фуқаро иш билан таъминланди.

Ҳисобот даврида қилинган ишлардан кўра бажарилмай қолганлари кўпроқ. Шунинг учун маърузачи ва мунозараларда сўзга чиққанлар айрим камчиликларни юзхотир қилмасдан уларни келтириб чиқарувчи омилларни очиб ташлади. Танқид асосида хато ва камчиликлар рўй-рост таҳлил қилинди. Шаҳардаги мактабларнинг 77 фоизида ўқув 2 сменада, 6 та мактабда болалар 3 сменада ўқишмоқда, 10 та мактабда ўқувчилар компьютердан фойдаланиш имкониятига эга эмас. ЎзХДП дастурида аҳолини ижтимоий, иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиш асосий вазифалардан бири эканлиги кўрсатилган. Сўнгги йиллари газ, электр энергия, ичимлик суви ва бошқа коммунал хизмат кўрсатиш нарх-наволарининг йил давомида бир неча марталаб кўтарилаётганлиги халқимизнинг ҳақли равишдаги эътирозига сабаб бўлмоқда. Кези келганда баъзан ҳақ гапни айрим раҳбарларга айтсангиз ёқмай қоласиз. Лекин айтмасангиз бўлмайди. Зеро, тегишли ташкилотлар ва уларнинг раҳбарлари ўзларининг хоҳлаган нарх-наволарини қўймоқдалар. Конференцияда бу масалаларни ижобий ҳал қилиш шаҳар кенгашининг доим диққат марказида бўлиши кераклиги айтилди.

Конференцияда Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгашининг биринчи котиби А.Асанов сўзга чиқди.

Конференцияда муҳокама қилинган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди. Саденбай Нурманов Ўзбекистон ХДП Нукус шаҳар кенгашининг биринчи котиби этиб қайта сайланди.

Реймбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси

СОЛИҚ АКАДЕМИЯСИ

қуйидаги кафедралар ВАКАНТ ўринлар бўйича профессор-ўқитувчилар учун танлов эълон қилади:

1. *«Солиқлар ва солиққа тортиш» кафедрасига: профессор, доцент, катта ўқитувчи.*
2. *«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедрасига: профессор, доцент, катта ўқитувчи.*
3. *Ҳуқуқий фанлар кафедрасига: кафедра мудири, катта ўқитувчи.*
4. *«Молия ва кредит» кафедрасига: катта ўқитувчи.*
5. *«Иқтисодий фанлар» кафедрасига: ўқитувчи.*
6. *«Ижтимоий-гуманитар фанлар» кафедрасига: катта ўқитувчи.*
7. *«Тиллар» кафедрасига: ўқитувчи.*
8. *«Жисмоний тарбия» кафедрасига: катта ўқитувчи.*

ТАНЛОВДА ҚАТНАШИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ТАЛАБ ЭТИЛАДИ:

- *ариза;*
- *шахсий варақа;*
- *таржимаи ҳол;*
- *4 дона 4х5 ҳажмдаги фотосурат;*
- *иш жойидан тавсифнома;*
- *олий ўқув юртини тугатганлик ҳақидаги диплом;*
- *илмий даражаси ҳақида ҳужжат;*
- *эълон қилинган илмий ишлар ҳақида маълумот.*

Мутахассислик ва соҳа бўйича иш стажи — камида 5 йил бўлиши керак.

Ҳужжатлар Тошкент шаҳар, Акмал Икромов тумани, Собир Юсупов кўчаси, 1-уй, Солиқ академияси биносида қабул қилинади.

Сайлов ва матбуот

МЕЗОН — ҲАҚҚОНИЙЛИК ВА ХОЛИСЛИК

Биз бугун катта сиёсий воқеалар бўсағасида турибмиз. Зеро, мамлакатимиз давлатчилиги тарихида илк марта профессионал парламент ташкил этиладиган сайловлар бу йил Ўзбекистон ҳаётидаги энг йирик воқеа бўлиши шубҳасиз.

Ўтказиладиган сайловлар фуқароларнинг сиёсий ҳаётда иштирок этишига катта имконият яратади. Парламентнинг қандай бўлиши ва қай тарзда фаолият юритиши ҳар биримизга боғлиқ экан, демак, ҳар бир шахс парламент шаклланиши жараёнида фаол ва онгли равишда қатнашиши лозим. Бу эса ўз навбатида ҳар бир фуқародан сайлов қонунчилигини, кейинги вақтларда унга киритилган ўзгартиришларни яхши билишни талаб этади. Бу жараёнда оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутади.

Шу ўринда мен касб байрамимиз — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг бизга йўллаган табрикларининг қуйидаги сатрларини келтириб ўтмоқчиман: **«...Мен журналистларга тақдир-қисмати доим халқ билан боғланган, ҳаётнинг энг қайноқ, энг оғир, ҳал қилувчи жабҳаларида бўлиб, эл-юртнинг кувонч ва ташвишлари, умид ва интилишларини чуқур ҳис қиладиган ва ифода этадиган ноёб касб эгалари, фидойи инсонлар сифатида қараш тарафдориман».** Бу албатта, Юртбошимиз томонидан бизга билдирган катта ишончдир. Журналистларимиз бу ишончни оқлаш учун қўлдан келганча ҳаракат қиладилар.

Янги парламент сайловлари жараёни ҳам матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари учун ана шундай — ҳаётнинг энг қайноқ, қизғин жабҳаси. Зеро, сайлов ҳаракатини оммавий ахборот воситалари иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу жараённинг мазмун-моҳияти айнан ОАВ томонидан кенг халқ оммасига етказилади. Фуқаролар айнан улар орқали сайлов жараёни қандай кечаётганидан хабардор бўладилар ва бу жараён ҳақида тегишли хулоса чиқарадилар.

Шу ўринда янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасида **«Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайлов қандай ўтаётганини ёритиб борадилар»,** — деб белгилаб қўйилганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Бу қонун талабига риоя этишда оммавий ахборот воситалари Марказий сайлов комиссияси томонидан ишлаб чиқиладиган норматив ҳужжатларни ҳисобга олган ҳолда фаолият кўрсатишлари лозим.

Шунинг учун ҳам бўлажак парламент сайловлари халқаро андозалар даражасида ўтказилишини, умуман, сайловларнинг воситалари учун ҳозирча ҳаракатсизлик даври, сукут сақлаш, дегани эмас. Сайлов ҳаракати олдидан оммавий ахборот воситалари мамлакатимиз фуқароларини унга тайёрлаш ишларини олиб бормоқдалар. Бундан мақсад, токи барча фуқаролар янги парламент моҳиятини, амалдаги сайлов қонунчилигидаги ўзгаришлар, янгиликларни тушунсинлар, англаб етсинлар.

Хўш, республика оммавий ахборот воситаларида сайлов қонунчилиги тарғиботига доир фаолият қай тарзда олиб борилмоқда?

Қайд этиш жоизки, мамлакатимиз матбуоти саҳифаларида, радиоэшиттиришлар ва телекўрсатувларда бу борада қатор материаллар берилди ва берилмоқда. Уларнинг савияси, даражаси ҳам турлича.

Худди шунингдек, қайси бир оммавий ахборот воситаси сайлов қонунчилиги тарғиботида фаол бўлса, бошқа бирлари сустроқ фаолият олиб бормоқда.

Ўзтелерадиокомпания тизимларида ҳам бу мавзу мунтазам ёритиб келинмоқда. Жумладан, «Ўзбекистон» телеканалининг «Муносабат», «Юзма-юз» кўрсатувларида шу йил декабрь ойида ўтказиладиган парламентга сайловлар мазмун-моҳияти ва аҳамиятини имкон қадар оммага тушунтириб беришга ҳаракат қилинмоқда. Телеканалнинг «Ахборот» дастури мавзуга оид лавҳа ва материалларни доимий равишда эфирга узатаяпти. Бизнингча, берилаётган бу ахборотларнинг таъсирчанлиги доирасини кенгайтириш лозим.

«Ёшлар» телеканалида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асослари, бўлажак сайловларга тайёргарлик кўриш жараёнлари, унинг авваллгилардан фарқли жиҳатлари ҳамда икки палатали парламент ва унинг аҳамияти ҳақида доимий кўрсатувлар ёки махсус телешарҳлар ташкил этилганича йўқ. Аммо «Давр» дастури ва «Давр-репортаж», «Давр-интервью» каби кўрсатувларда бу борадаги турли тадбирлар, йиғинлар тафсилоти бериб борилмоқда.

«Ўзбекистон» радиоканали ҳар ҳафтада «Сайлов қонунчилиги» бевосита мулоқотини эфирга узатмоқдаки, икки палатали парламентнинг шакллантирилиши, мазмун-моҳияти, мамлакатимизда демократик давлат асосларини мустаҳкамлашдаги аҳамиятини очиб беришга алоҳида эътибор қаратилган. Унда таниқли сиёсатшунослар, олимлар, мутахассислар қатнашмоқда.

«Машъал» ва «Ёшлар» радиоканалларида ҳам бу борада алоҳида дастурлар ташкил этилиб эфирга узатилмоқда.

Шу ўринда «Ўзбекистон овози» газетасида чоп этилган қатор материалларни тилга олиб ўтиш жоиз. Жумладан, «Ўзбекистонда парламент ислоҳоти: концепциядан — амалиётга», «Икки палатали парламент», «Сиёсий партиялар: янги имконият ва юксак масъулият» каби қатор мақолаларда мавзунинг турли қирралари батафсил қаламга олинган.

Энди вилоятларга келсак, айрим вилоятлардаги оммавий ахборот воситаларида мавзу тарғиботи юзасидан материаллар бериб борилмоқда. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси газеталарида сайловга доир 20 дан ортиқ мақола ва лавҳалар чоп этилди. Қашқадарё ва Андижон вилоятларида ҳам ушбу мавзу тарғиботи атрофлича олиб борилган. Лекин шу билан бирга айрим вилоятлар оммавий ахборот воситалари бу борада суст ҳаракат қилмоқдалар. Хусусан, мониторинг хулосаларига кўра, Самарқанд вилоятида бу мавзудаги материаллар деярли кузатилмаган.

Сайлов жараёни яқинлашар экан, табиийки, партиялар ўз тарғиботларини кучайтирадилар. Мақсад: сайловда кўпроқ овоз олиш, халқ орасида эътибор қозониш. Лекин, тарғибот ҳам, партиялар ўртасидаги рақобат ҳам холис бўлиши лозим. «XXI АСР» газетасининг шу йил 3 июнь сонида «Сиёсий партиялар: ишончсизлик ва ишонч» деган мақола чоп этилди. Муаллифи Бахтиёр Ёқубов. Мақолада бир партия вакилининг бошқа бир партия вакилига оғир ботадиган мулоҳазалари бор.

Тўғри, партиялар ўртасида рақобат бўлиши керак. Лекин, бу рақобатда, халқимизга хос одоб-андиша, холислик ва маданият сақланиши лозим. Оммавий ахборот воситалари ҳам бу тарздаги мақолаларни эълон қилаётганда этикага риоя қилишлари керак.

Мен шу ўринда муҳтарам Президентимиз табрикларидаги яна бир бандга эътибор қаратмоқчиман: **«Юртимизга қарши қаратилган информацион ҳуружларга зарба бериш, биз танлаган эзгу мақсад ва муддаоларни кўролмайдиган четдаги ва ўзимиздан чиққан айрим тили бурро шоввозларни, турли ниқоблар остида ўзимамлакатимизда парламент сайловлари бошланишига бир неча ой борлигига, сайловолди ҳаракатлари бошланмаганлигига қарамай, баъзи халқаро ташкилотлар, хориждаги айрим оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда бўладиган парламент сайловлари ҳақида ўз хулосаларини эълон қилиб қўйибди. Уларнинг фикрича, декабрда бўладиган сайловлар нодемократик тарзда ўтар эмиш. Гўё Ўзбекистонда демократик сайловлар ўтказишга шароит йўқ эмиш. Мамлакатимиз сайлов қонунчилиги демократик асосларга эга эмас эмиш. Бу даъволарнинг асоссизлигини мамлакатимизда олиб борилаётган ишлар билан танишган ҳар бир киши дарҳол ҳис қилиши мумкин.**

Оммавий ахборот воситалари бу борада қатъият билан фаолият олиб боришлари лозим. **ни ҳаммадан доно, бизга энг яқин ёрдамчи ва маслаҳатгўй қилиб кўрсатадиган, ҳатто миллий анъаналаримиз ва ҳаёт тарзимизни ўзимиздан ҳам яхшироқ билишни даъво қиладиган кимсаларнинг сохта урунишларини фош этиш ҳам халқимиз манфаатларини ҳимоя қилишнинг яна бир амалий намоёнидир».**

Президентимиз бу мулоҳазаларни бежиз айтмаганлар. Чиндан ҳам юртимизга қарши информацион ҳуружлар оз эмас. Буни бу йил ўтадиган парламент сайловларимиз борасида ҳам кўришимиз мумкин. Яъни ҳали Бундай асоссиз, пуч даъволарга ўз вақтида аниқ, кескин жавоб қайтара олишлари даркор. Токи сайлов қонунчилигига нисбатан мамлакатимизда ҳам, хорижда ҳам тўғри ва холис тушунчалар ҳамда хулосалар шакллансин.

Шу ўринда яна бир жиҳатга эътибор қаратишни истардим. Биз газета-журналлар, радио-телевидение каби ахборот воситалари билан бирга энг замонавий информацион тизим ҳисобланган Интернетни назардан қочирмаслигимиз, унга алоҳида эътибор беришимиз керак. Зеро, Интернет асримизнинг энг замонавий ва энг тезкор ахборот воситаси ҳисобланади ва кун сайин оммалашиб бормоқда. Бўлажак парламент сайловларини тўғри ва ҳаққоний ёритишда Интернет тизимидан ҳам кенг фойдаланишимиз керак. Айтиш жоизки, айнан Интернет тармоғидан бизнинг ғоявий муҳолифларимиз кўп фойдаланадилар. Сайлов қонунлари, сиёсий партияларнинг сайловларга тайёргарликлари тўғрисида ҳаққоний ва холис материаллар бериб бориш уларга ўзига хос жавоб ҳам бўлур эди.

Кўп бор қайд этилганидек, оммавий ахборот воситалари ўз даврининг кўзгуси ҳисобланади. Ушбу кўзгуда Ўзбекистон сиёсий ҳаётининг бу йилги йирик воқеаси бўлмиш мамлакат парламенти сайловларининг ҳаққоний акс этиши биз, оммавий ахборот воситалари ходимлари, журналистларнинг асосий вазифамиз ва бош мақсадимиз бўлиши керак.

Шерзод ҒУЛОМОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси

Қарор ва ижро

ҲОЗИРГИ ТАЛАБ — ИҚТИСОДИЙ БИЛИМ

ОЛИЙ БИЗНЕС МАКТАБИ ТАРКИБИДАГИ КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ МАРКАЗИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИҚТИСОДИЙ ЎҚУВНИНГ ИБРАТЛИ ЖИҲАТЛАРИ ҲАҚИДА

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий йўналишлардан бири. Илгари давлат тасарруфида бўлиб келган корхоналар босқичма-босқич мулкдорлар қўлига ўтмоқда. Бироқ бу жараён малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни келтириб чиқарди. Сабаби, хусусийлаштирилган корхоналар ёлланма ижроия органлар ёрдамида бошқарилиб, ҳар доим ҳам корхонанинг самарали бошқарилишини таъминламайди. Чунки мулкдорлар (акциядорлар) ва мулкни бошқарувчиларнинг манфаатлари ишлаб чиқаришга алоқаси йўқ харажатлар қилиниши ёки асоссиз равишда катта тақдирлов пулларининг олиниши ва ҳ.к. масалаларда мос келмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги **«Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармонида акциядорлик жамиятлари учун раҳбар кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактаби таркибида Корпоратив бошқарув Маркази ташкил этилди. Унинг зиммасига акциядорларни, акциядорлик жамиятлари ижроия органлари фаолиятини назорат қилиш, бизнесни режалаштириш, шунингдек, давлат иқтисодий бошқариш идоралари мутахассисларини қайта тайёрлаш вазифалари юклатилди. Вазирлар Маҳкамасининг **«Корпоратив бошқарув марказини ташкил этиш тўғрисида»**ги 2003 йил 4 июлдаги 304-сонли қарорида эса Марказ иш фаолиятининг мақсад ҳамда вазифалари аниқ белгилаб берилди.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, ҳар қандай жиддий ўзгаришлар акциядорлик жамиятларининг акциядорларга тўлайдиган дивидендига бориб тақалади. Чунки, акцияларни кўпчилик харид қилиб, уларнинг жозибадорлиги таъминланганда ва акциядорлар манфаатдорлиги ошганда ҳамда корхона қадри, нуфузи кўтарилгандагина иккиламчи қимматли қоғозлар бозори ривожланади. Бунинг учун акциядорлик жамияти раҳбарлари ўз малакаларини мунтазам ошира бориб, оқилона дивиденд сиёсатини ишлаб чиқишлари ва юритиш имкониятига эга бўлишлари лозим.

Шу нуқтаи назардан Марказимизда хўжалик амалиётига корпоратив бошқарув тамойилларини жорий этиш, ҳисоб-китоб тизимини такомиллаштириш, қимматли қоғозлар чиқариш ва уларни жойлаштириш орқали капитал бозоридан молиявий ресурсларни жалб қилишга йўналтирилган турли корпоратив дастурлар тузиш ишлари бошланди. Шунингдек, самарали дивиденд сиёсатини ишлаб чиқиш ва бошқа масалаларда корхоналарга ёрдам бериш учун консалтинг маркази ҳам фаолият кўрсатишга киришди. Ҳозиргача бу ерда 1000 нафарга яқин тингловчи ўз малакаларини оширди.

Маҳаллий ҳокимият органлари билан ҳамкорликда тингловчиларга қулайлик яратиш мақсадида Андижон, Фарғона, Бухоро, Қашқадарё ва Тошкент шаҳарларида корпоратив бошқарув ва менежментнинг ривожланиш масалаларини муҳокама қилиш, янги қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатларни тушунтириш учун семинарлар, давра суҳбатлари уюштирилмоқда.

Корпоратив бошқарув Марказида 60 ўринли иккита маъруза зали, 20 ўринли учта аудитория ва тингловчиларнинг ўз билимларини мустақил оширишлари учун кутубхона ҳамда ўқув заллари ишлаб турибди. Кутубхонамизда сўнгги йилларда нашр этилган иқтисодиётга оид турли ноёб ўқув қўлланмалари ва хорижий матбуот нашрлари бор. Ўқув дарсларини етакчи олий ўқув юртлари ва ўқув марказларининг малакали профессор-ўқитувчилари, хорижий ташкилотларнинг йирик корпоратив бошқарув мутахассислари олиб боришаяпти.

Яқинда янги 2004-2005 ўқув йили олдидан Марказда кўргазмали-семинар бўлиб ўтди. Корпоратив бошқарув масалаларига бағишланган мазкур тадбирда вазирликлар, қўмиталар, компаниялар, корпорациялар, уюшмалар ва вилоят ҳокимликларининг вакиллари иштирок этишди. Унда манфаатдор мижозлар учун тугаётган ўқув йили якунлари ҳисоботи, Марказ фаолияти вазифалари, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш соҳасида хўжалик бирлашмаларига ёрдам бериш каби ўзаро ҳамкорлик масалалари келишиб олинди. Айни пайтда бу ерда бугунгача ўқиб кетган тингловчиларнинг таклиф ва истакларини инобатга олиб, молиявий ва операцион масалаларни ҳал қилишда компьютер дастурларидан фойдаланиш, персонал бошқариш ва иш юритиш, молиявий ҳисобот, маркетингни бошқариш сингари қўшимча курслар ҳам ташкил қилинди.

Биз учун энг муҳими — тингловчиларнинг иқтисодий билимлари ошиб, амалиётда улар корхоналар ривожига ривож қўшсалар бўлгани. Ўшанда марказимиз ўз олдига қўйган мақсадга эришган бўлади.

Собиржон ҲОЖИЕВ,
марказ ўқув бўлимининг етакчи мутахассиси.
Меҳриддин БУТАБОЕВ,
марказ бўлим бошлиғи

Италия. Мангия минораси

ИСРОИЛГА ҚАРШИ ЖАРИМА

Янги Зеландия бош вазири Хелен Кларк Исроилга нисбатан дипломатик жарима эълон қилди. Исроилнинг «Моссад» агентлари дея тахмин этилаётган икки кишига нисбатан судда ҳукм ўқилгач, шундай қарор қабул қилинди. Улар шу йил мартда ноқонуний паспорт олишга уринганликда айбланиб, Янги Зеландия махсус хизмати томонидан қўлга олинган. Суд 6 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилди.

Бош вазир баёнотида айтилишича, — дейилади «Доминион пост» газетаси сайтидаги ахборотда, — Янги Зеландия Исроил билан делегациялар алмашинувини, исроилликларга визалар берилишини тўхтатди. Шунингдек, Исроилнинг Янги Зеландиядаги янги элчиси қабул қилинишини бекор қилди. Исроил Президенти Моше Кацавнинг шу йил августга мўлжалланган ташрифига ҳам Веллингтонда қизиқиш қолмади.

Хелен хоним яна шуни таъкидладики, Янги Зеландия бундан 3 ой муқаддам мазкур масалани тушунтириб беришларини ва кечирим сўрашларини Тел-Авивдан сўраган эди, бироқ ҳеч қандай жавоб бўлмади.

BMW АВТОМОБИЛЛАРИНИ ЧАҚИРИБ ОЛАДИ

Германиянинг BMW концерни сотилган ва бугунги кунда фойдаланишда бўлган 4 мингга яқин автомобилни чақириб олмоқда. Сабаб: двигателлардаги носозлик. Айнан шу носозлик автомобиль ҳаракатланаётган пайтда «ўз кучини» кўрсатиши мумкин, яъни двигатель «тишлашиб», бирдан ҳаракатдан тўхташи ва натижада автоҳалокат юз бериши мумкин. Бу ерда гап 5-, 6- ва 7-моделлар, шунингдек, шу йил 13 майдан 12 июнгача бўлган даврда ишлаб чиқарилган 8 ва 12 цилиндрли Х-5 автомобиллари ҳақида кетмоқда.

«Зюддойче цайтунг» газетасида ёзишларича, автомобилларнинг руль ва тормоз бошқарувидаги гидрокучайтиргичларда ҳам носозликлар аниқланган.

Ҳозир концерн ушбу автомобилларни кимлар сотиб олганлигини аниқламоқда. Сўнг уларни текин таъмир учун таклиф этади.

ЎҒИЛ ВА ҚИЗЛАР ТЕНГЛАШТИРИЛАДИ

Хитой маъмурияти кейинги 6 йил давомида янги туғилажак ўғил ва қизлар сонини тенглаштиришни кўзлаб турибди. Мамлакатда қизларга нисбатан ўғил болалар кўп туғилиши бундай қарорга келишга туртки бўлди.

Ҳозирги пайтда Хитойда туғилиш 117 ўғилга 100 нафар қиз тўғри келмоқда. Шунинг учун эндиликда қизлари бор оилаларга мукофотлар жорий этилади, туғилажак фарзанд жинсидан норози бўлиб бола олдириш эса тақиқланади. Оилани режалаштириш ва аҳолишунослик миллий комиссияси раиси ўринбосари Чжао Бейженинг айтишича, ҳозир аёллар қиз фарзанд кўришини олдиндан билиб, олдириб ташламоқдалар.

Қизларни таҳқирлаш, сотиш ва қиз туғишдан бош тортиш сингари ҳодисаларга қарши кураш чоралари эндиликда кучайтирилади, дея хабар беради Associated Press агентлиги.

Яна бир гап. Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, умуман Осиё давлатларида туғилиш ўзига хос характерга эга. Масалан, Жанубий Кореяда 100 нафар қизга 114 нафар ўғил бола тўғри келади.

МЕРКУРИЙГА СУНЪИЙ ЙЎЛДОШ УЧИРИЛАДИ

АҚШнинг NASA агентлиги Меркурий сайёрасини тадқиқ этишга тайёргарлик кўришни поёнига етказмоқда. Шу йил 2 август куни Messenger дея аталган сунъий йўлдош мазкур сайёрага учирилади. Уни Delta II элтувчи ракета кинотга олиб чиқади.

Messenger аппарати Қуёшга энг яқин сайёра — Меркурийга 2008 йилда етиб боради. Бунинг учун жуда кўп масофани учиб ўтиши керак. Яъни Ер ўқи атрофида бир бор айлангач, Чўлпон (Венера) юлдузи орбитасига ўтади. Уни икки бор айлангач Меркурийга ўтади. Унинг орбитасига киришдан олдин орбита атрофида бир йил кузатишлар олиб боради ва барча маълумотларни Ерга узатади. 2011 йилда эса Меркурий орбитасига киради ва бир йил ўша ерда фаолият юритади.

Маълумки, Меркурий фанда энг кам ўрганилган сайёра. У қаттиқ жисмлардан ташкил топганлиги олимлар томонидан аниқланган. 1974-1975 йилларда Американинг Mariner-10 сунъий йўлдоши сайёрага яқинлашган ва унинг юзаси ҳақида айрим маълумотларни Ерга узатган.

Messenger эса сайёра юзасини суратга олади, унинг тузилиши ва таркибини ўрганади. Жумладан, олимларни ўйлантираётган: нега сайёранинг таркиби асосан темирдан иборат, нега Меркурийнинг айрим жойларида худди Ерга ўхшаб магнит майдони мавжуд, сайёра юзасида ўртача 450 даража иссиқ бўлишига қарамай унинг қутбларида нега музга ўхшаган оқ жисмлар бор, ҳақиқатан ҳам у музми ёки бошқа нарсами, деган саволларга жавоб топади.

Яна бир гап. Ўтган йил декабрдан буён Миррих (Марс) сайёрасида фаолият кўрсатаётган Европа коинот агентлигининг Mars Express фазовий аппарати сайёра атмосферасида аммиак излари борлигини аниқлади. Олимларнинг фикрича, бу Марсда ҳаёт борлигидан далолатдир. Сайёра атмосфераси аммиакнинг узоқ вақт сақланиб туришига йўл қўймайди. Демак, бу модда қандайдир йўл билан доимо пайдо бўлиб туради.

Аммиак икки йўл билан пайдо бўлиши мумкин: биринчиси, ҳаракатдаги вулқондан. Иккинчи тахминга кўра эса микроорганизмлар фаолияти натижасида бу модда пайдо бўлаётгандир.

Маълумки, аммиак гази водород ва азотдан таркиб топади. У Ердаги ҳаёт барқарорлигининг асосий элементи ҳисобланади. Лекин унинг Марсда бўлиши кутилмаган янгиликдир.

BBC News хабарига кўра, Mars Express сайёра атмосферасини спектрометр ёрдамида тадқиқ қилаётиб аммиак борлигини аниқлади. Аввалроқ сайёра атмосферасида метан гази борлиги ҳам тадқиқ этилганди. Бу эса сайёрада биологик ҳаёт борлигидан дарак бериши мумкин. Бундан ташқари Марсда фаолият кўрсатаётган Американинг иккита «Марсоходи» у ерда қачонлардир сув бўлганлигидан дарак берувчи белгиларни аниқлаган.

NASA мутахассислари Марсда сувнинг йўқолишига кучли Қуёш бўронлари сабаб бўлганлигини айтишмоқда.

Фалакиётшунослар тахмин қилишларича, қачонлардир Марсда океанлар бўлган. Бироқ ҳануз номаълумлигича қолган сабабларга кўра, бундан 3,5 миллиард йил аввал сув йўқолган.

Сайёра юзаси кучсиз ҳимояланганлиги сабабли Қуёш бўронлари ўз таъсирини кўрсатганлиги аниқ, дейишмоқда олимлар. Улар ўтган йил октябрь-ноябрь ойларида Қуёш бўронининг Ер сайёрасига таъсирини илмий тадқиқ этиб шундай хулосага келдилар. Яъни, ўтган йилги Қуёш бўрони Ердаги телекоммуникация тармоқларини, фазодаги бир қанча сунъий йўлдошларни ишдан чиқарган эди. Ваҳоланки, Ерда магнитосфера мавжуд бўлиб, бундай таъсирларнинг кучини «қирқади». Марсда эса Қуёш радиациясининг кучини «кесадиган» магнитосфера қатлами йўқ.

Хугминисо ЭНАЗАРОВА тайёрлади

ФАЗОГИР АЁЛЛАР ҚОЛМАДИ

Россия фазогирлари орасида аёллар умуман қолмади, — дея хабар беради «Новости» агентлиги. Россиянинг «Энергия» коинот комплекси фазогирлари отрядида аёлларнинг ягона вакили бўлмиш Надежда Кужельная коинотга бирор марта учмай яқинда отрядни тарк этди.

Федерал коинот агентлигининг расмий вакили Вячеслав Давиденконинг айтишича, Надежда пенсияга чиқиши муносабати билан синовчи-фазогир вазифасидан озод этилди. Эндиликда «Энергия» фазогирлар отрядида 13 нафар эркак учувчи қолди.

Кужельная 1994 йил апрелда отрядга танлаб олинган. 2 йиллик умумий тайёргарликдан сўнг синовчи-фазогир малакасига эга бўлди. 2001 йилдан Халқаро коинот станцияси экипажининг дублёр таркибида тайёргарлик кўрди. Лекин коинотга учиш насиб этмади. Хизмат муддати пенсияга чиқишини тақозо этди.

ЎЗБЕК МЎЪЖИЗАСИ

Бугун — Халқаро шоҳмат куни

ДУНЁНИ ҲАЙРАТГА СОЛДИ

World Chess Championship 2004

Иқтидорли гроссмейстеримиз Рустам Қосимжоновнинг халқимизга хос юксак интеллектуал салоҳият, мардлик ва жасорат намунасини намойиш этиб жаҳон чемпиони бўлиши — ўзбек мўъжизасини яратиши дунё аҳлини ҳайратга солди. Халқимиз шундай буюк ғалаба шукуҳи билан яшаяпти, байрам қилаяпти.

Жаҳон оммавий ахборот воситаларида Рустамнинг ғалабаси юқори баҳоланяпти. Чунки шоҳмат тожи учун мусобақаларда ҳали бундай кескин ва муросасиз кураш бўлмаганди. Шу кунгача шоҳмат мутахассислари 1927 йилда тож учун ўтказилган Алёхин-Капабланка баҳсини муросасиз ўйин сифатида тилга олишарди. Ўшанда икки ярим ой ичида 34 та ўйин бўлган эди. Мутахассислар ҳар доим қисқа муддатда кўп ўйин ўтказилганига эътиборимизни қаратишарди. Маълумки, Триполида уюштирилган жаҳон чемпионати 18 июндан 13 июлгача давом этди. Яъни, Рустам атиги 26 кунда 28 та масъулиятли ва муросасиз ўйин ўтказди. Ҳар бири ҳал қилувчи аҳамиятга эга мазкур ўйинларда Рустам юксак билимини, метин иродасини намойиш этди, чинакам жасорат кўрсатди.

Иккинчи жаҳон чемпиони Эмануэл Ласкер: «Шоҳмот устасининг фаолияти — бу курашлар йўли», деганда нақадар ҳақдир. Дарҳақиқат, шоҳмотда ўзини ҳар куни курашларга чоғлаган кишиларгина юксак чўққиларга кўтарилган. Бундай қатъиятли кишилар шоҳмот тарихида кўп эмас. 1886 йилдан буён жаҳон чемпионлиги учун баҳс ташкил этиб келинаётганига қарамай саноқли гроссмейстерларгина шоҳмот тожини кийишган. Мана шундай юксак унвонга юртдошимиз Рустам Қосимжонов сазовор бўлди.

Афсуски, жавоҳирни оддий тош, мўъжизани оддий ҳодиса деб тушунадиганлар йўқ эмас. Уларга дунёни ҳайратга солган ўзбек мўъжизасини, айни ҳақиқатни қалбда фахр-ифтихор туйғуси билан қайта такрорлайман: Рустам Қосимжонов Жаҳон чемпиони! Шу ўринда Юртбошимиз Ислом Каримовнинг лўнда таърифини келтиришни истардим: **«Жаҳон чемпиони — дунёда олти миллиард одам бўлса, шу спорт турида ундан кучли одам йўқ, деганидир».** Ҳа, бугун шоҳмотда Рустамдан кучли одам йўқ. Бу ҳақиқатни Триполида сара шоҳмотчилар иштирокида ўтган жаҳон чемпионати тасдиқлади.

Мард майдонда синалади, дейди халқимиз. Бу нақл бошқа тилларда ўзгача жаранглса ҳам шу маънони беради. Ҳозир дунёга аён ҳақиқат шу: Рустам Қосимжонов Триполидаги жаҳон чемпионатига борди, ўйнади, ғалаба қилди! Албатта Рустам бундан кейин ҳам Халқаро шоҳмот федерацияси (FIDE) уюштирадиган мусобақаларда ғолибона юришини давом эттиради. Бироқ ҳозир ким нима дейишидан қатъи назар, Рустам Қосимжоновнинг залворли карвони олға одимлаяпти.

Буюк бобомиз Амир Темур: «Ботир жангда билинар, доно машваратда», — дея лутф этганлар. Рустам ақл-заковат «жанг»ида ботирлигини ҳам, донолигини ҳам жумлаи жаҳонга исботлади. Яна Соҳибқирон бобомиз айтадилар: «Қудратимизга шак-шубҳангиз бўлса, биз қурдирган биноларга боқинг». Халқимизнинг, бой интеллектуал салоҳиятига шубҳа билан қарайдиганлар топилгудай бўлса, улар шоҳмот бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида ўзбек ўғлони Рустамжон кўрсатган мўъжизани таҳлил этишсин, хулоса чиқаришсин дегим келади.

Одатда ғалабалар шодликларни бошлаб келади. Куни кеча Президентимиз Фармонига кўра, жаҳон чемпиони Рустам Қосимжоновнинг Ватанимиз юксак мукофоти — Амир Темур ордени билан тақдирланиши қувончимизга қувонч қўшди. Нуронийларимиз юртимиз фаровонлиги, фарзандлари камолини тилаб дуога қўл очишди. Айниқса, Рустамнинг ғалабасига ҳавас билан боқиб турган иқтидорли ёшларимизнинг имон-эътиқоди мустаҳкамланди, қалбларида олий мақсадлар сари интилиш ҳиссиётуйғулари жўш урди. Имоним комил, йиллар ўтиб юксак марраларни кўзлаётган бугунги ёшларимиз орасидан ҳам дунёни ҳайратга соладиган жаҳон чемпионлари етишиб чиқади, уларни ҳам Ватанимиз, халқимиз бошига кўтариб шарафлайди.

Асрор МЎМИН

AFC ASIAN CUP CHINA 2004

БИР ТЎП, УЧ ОЧКО

ХИТОЙДА ФУТБОЛ БЎЙИЧА XIII ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ БОШЛАНДИ

Пекиндаги «Ишчилар» стадионида чемпионатнинг тантанали очилиш маросимидан сўнг дастлабки учрашув «А» гуруҳидан жой олган Хитой ва Баҳрайн терма жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Ушбу учрашувда кўпчилик мезбонларнинг ғалаба қозонишини башорат қилган эди. Аммо дуранг натижа қайд этилди. Стадионни тўлдириб ўтирган 60 минг ишқибознинг аксарияти жаҳон чемпионатида тажриба орттирган ва ўз уйида ўйнаган Хитойнинг бу натижасидан норози бўлганлиги, шубҳасиз. Осиё чемпионати ҳам Европа чемпионати каби кутилмаган натижаларга бой бўладиган кўринади.

Якшанба куни «А» гуруҳининг иккинчи жуфтлиги — Қатар ва Индонезия терма жамоалари майдонга тушди. Мазкур учрашувда навбатдаги шов-шувли ҳисоб қайд этилди. Миллий чемпионати анча ривожланган қатарликлар гуруҳ аутсайдери деб эътироф этилаётган Индонезия терма жамоасидан мағлубиятга учради. Сударфано ва Астаманнинг киритган икки тўпига ўйиннинг сўнгги дақиқаларида қатарлик Муҳаммад бир гол билан жавоб қайтарди — 2:1.

Худди шу куни «С» гуруҳи вакиллари ҳам биринчи тур баҳсларини ўтказди. Қитъанинг етакчи терма жамоаларидан бири — Саудия Арабистони футболчилари туркманистонликларга қарши майдонга чиқди. Еттинчи дақиқадаёқ қўшниларимиз футболчиси В. Байрамов ҳисобни очди. Кейинчалик Кахтоний дублга эришиб арабларни олдинга олиб чиқди — 1:2. Гарчи, учрашув давомида саудияликлар бирмунча устунликка эришган бўлсалар-да, сўнгги дақиқаларда Қулиев ҳисобни тенглаштирди. Мана сизга чемпионатнинг иккинчи шов-шуви! Қитъамизнинг кучли терма жамоаларидан бири, беш карра Осиё чемпиони Саудия Арабистони ўртамиёна жамоани мағлуб эта олмади. Устига устак «Пахтакор»нинг туркманистонлик легионери Гочқули Гочқулиев ўн бир метрлик жаримадан тўп кирита олмади.

Ўзбекистон терма жамоаси Хитойнинг марказий минтақасида жойлашган Чэнгду шаҳрида мусобақаларга тайёргарлик кўрди. Футболчиларимиз дастлабки учрашувда шу шаҳардаги «Сичуан» стадионида Ироқ терма жамоасига қарши майдонга чиқди. Ёдингизда бўлса, мазкур терма жамоалар шу йил 18 февралда жаҳон чемпионати саралаш босқичида ўзаро баҳс юритганди. Шу боис, ҳар иккала жамоа аъзолари ҳам ўйинни жуда эҳтиёткорлик билан бошлашди. Ҳамюртларимиз дастлабки дақиқаларданоқ 3-5-2 тактикаси билан ҳаракат қилди. Тўп билан муомала қилишда ташаббусни ўз қўлига олган вакилларимиз ўйинида аниқлик кўзга ташлана бошлади. Шундай хужумларнинг бирида Ироқ терма жамоаси ҳимоячилари қўпол ўйнади. Белгиланган жарима тўпини Миржалол Қосимов дарвозанинг чап бурчагига аниқ йўллади — 0:1.

Кейинги дақиқалар Сервер Жепаров, Андрей Акопянцнинг хавфли зарбалари билан ёдда қолди. Учрашувда биз учун ягона нохуш ҳолат — ён чизиқдан тўпни ўйинга киритишда вақт ишламоқчи бўлган Алексей Николаевнинг майдондан четлатилиши бўлди.

Учрашув якунлангунча дарвозаларга бошқа тўп киритилмади ва Ўзбекистон терма жамоаси ушбу Осиё чемпионатидаги биринчи ғалабасини қўлга киритди.

Кеча «В» гуруҳи вакиллари ҳам дастлабки тур ўйинларини ўтказишди. Жанубий Корея ва Иордания терма жамоалари учрашувида дуранг натижа қайд этилди — 0:0. Қувайтлик футболчилар БАА терма жамоасини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Анвар САМАДОВ, Эркин ХОЛБОБО

Интер-спорт

БЕКХЭМ УРОЛМАГАН ТЎП БАҲОСИ



Футбол бўйича яқинда якунланган Европа чемпионати чорак финал учрашувида майдонга тушган Португалия — Англия баҳси ғолиби пенальтилар бўйича аниқланган эди. Машҳур Девид Бекхэм Португалия дарвозасига йўллаган дастлабки тўпнинг хато кетганини мухлислар яхши билишади.

Гап шундаки, Таиландда тайёрланган «Ротейро» тўпи интернет-аукционда камида 2 миллион евро ҳисобида баҳоланган эди. Бекхэм тепган тўпни томошабинлар орасида ўтирган испаниялик баскетболчи Пабло Коррал ушлаб олган. Коррал дарҳол интернет тизими бўйича тўпни кимошди савдосига қўйган. 50 дан ортиқ киши бу тўпга харидор бўлган. Ҳозирча бир тўхтамга келингани йўқ. 22 июлда кимошди савдосига якун ясалади.

ТАЙСОНГА ҚИЗИҚИШ КАМАЙМОҚДА



Машҳур боксчи Майк Тайсоннинг навбатдаги учрашувга ҳозирлик кўришига барча имкониятларни яратаётган мураббий Фредди Роучнинг сўзларига қараганда, шогирди машқлардан зерикиб, жанг қилишга шай экан. «Майк ўзини мард йигитлардек ҳис этмоқда. Албатта, бироз шашти пастроқ. Балки, бу тинимсиз машқларнинг оқибати бўлса керак», — дейди Роуч. Тайсон билан Дэнни Уильямс ўртасида ўтказиладиган жанг Кентукки штатининг Луисвилле шаҳрида бўлиши кўзда тутилган. Афсуски, ҳозирча мўлжалдаги 20 минг чиптадан атиги еттитаси сотилган, холос.

Гулбаҳор АБИДОВА тайёрлади

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 862

7307 nusxada bosildi

t — Тижорат материали

O`zA yakuni — 21.00.
Topshirish vaqti — 1 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA

Ҳурматли йўловчилар!
Тошкент — Шовот (Урганч) — Тошкент
йўналиши бўйича янги йўловчи поезди қатнови йўлга қўйилди.

Янги поездда купе ва СВ вагонлари бўлиб, улар кондиционерлар билан жиҳозланган. Поезд Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб ҳаракатланиб, Амударё устидан қурилган янги кўприкдан ўтади ва йўловчиларнинг йўлда бўлган вақтини сезиларли қисқартиради ҳамда темир йўл чиптаси баҳосини камайтиради.

Тошкент — Шовот йўналиши бўйича йўл ҳақи баҳоси:

- умумий вагонда — 4 671 сўм;
- плацкарт вагонида — 9 034 сўм;
- купе вагонида — 14 796 сўм;
- СВ вагонида — 29 671 сўм.

Темир йўл чиптаси баҳоси 2004 йил 22 июнь ҳолатига кўра ҳисобланган. Валюталарнинг сўмга нисбатан курси ҳар ҳафтада ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда чипталар баҳоси ҳам ўзгаради.

Йўналиш жадвали	Жўнаб кетиш	Етиб бориш
№56 Тошкент — Шовот	душанба, 17.15	сешанба, 13.20
№56 Шовот — Тошкент	сешанба, 14.25	чоршанба, 10.25

«Ўзтемирйўлйўловчи» маъмурияти

Хизматлар лицензияланган



ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ
«ИПАК ЙЎЛИ ТУРИЗМ ИНВЕСТ»
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ҚЎШМА КОРХОНАСИ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАДАН

«Firat Plastik» (Туркия) фирмасининг айланаси 20 дан 63 мм.гача бўлган совуқ ва иссиқ сув, иситиш тизими учун полипропилен трубаларни (PPRC 3-тип) ва турли хил фитингларни сотади.

Маҳсулот сертификатланган.

Телефонлар: 134-78-49, 134-01-01, 176-81-63
факс: 134-78-49.Email: jvsilkroad@ inbox.ru

СВЕДЕНИЯ О СУЩЕСТВЕННОМ ФАКТЕ ПОРЯДКОВЫЙ НОМЕР СООБЩЕНИЯ 09

Годовое собрание ОАО «Раупхон» состоялось 29 июня 2004 г. по адресу: г.Ташкент. ул.Каракамышская, 4 кворум – 100%.

Итоги голосования по повестке дня:

1. Признать работу Наблюдательного совета удовлетворительным.

2. Утвердить отчёт Генерального директора общества о результатах финансово-хозяйсвенной деятельности за 2003 год.

3. Утвердить заключение аудитора и отчёт ревизионной комиссии.

4. Утвердить бизнес-план общества на 2004 год.

5. Продлить полномочия Генерального директора общества Юсупова А.А. сроком на один год.

6.1. Нодирхонова Ж.Н., Туйчиева А.Р. считать выбывшими из членов Наблюдательного совета.

6.2. Юлдашева М.С., Туйчиева Р.З считать избранными членами Наблюдательного совета ОАО «Раупхон».

6.3. Касымову Р. оставить ревизором общества.

7. Чистую прибыль, полученную по итогам 2003 года в размере 234360, 500 сўм распределить следующим образом:

— 2 550 000 сум направить в резервный капитал

— 20 400 000 сум направить на выплату дивидендов (из расчета на одну акцию — 600 сум)

— 840 000 сум выплатить вознаграждение председателю Наблюдательного совета.

— 10 000 000 сум направить на выплату премии работникам общества.

— 200 570 500 направить на развитие производства общества.

8. Утвердить аудитором общества на 2004 год ООО «Аудит-Барака».

9. Дать согласие, при необходимости, на получение кредита для приобретения сырья, материалов и оборудования.

Услуги лицензированы

Наблюдательный совет

KIMOSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI VA «RESPUBLIKA KO`CHMAS MULK BIRJASINING TOSHKENT SHAHAR BO`LIMI»
масъулияти чекланган жамияти
харидорларни кимошди савдоларига таклиф қилади.

2004 йил 20, 24, 27, 31 август ва 3, 7, 10, 14 сентябрь кунлари кимошди савдоларига қуйидаги объект қўйилади:

Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани «Чимбайлиқ» ҚФЙ манзилида жойлашган «O'ZDAVSUVLOYIHA» мелиорация ва сув хўжалиги лойиҳа-қидирув илмий-текшириш институтига қарашли қурилиши тугалланмаган бино.

Бошланғич нархи — 50 358 480 сўм.

Кимошди савдоларига қўйилган ер майдонлари учун аризалар қабул қилиш савдодан уч кун аввал, бошқа объектлар учун аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади.

Кимошди савдолари 11.00 да бошланади.

Савдолар ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Миробод тумани, Мовароуннаҳр, 16-а.

Савдоларда қатнашиш учун объект нархининг 10 фоизи миқдорида закалат пули тўланади.

КИМОШДИ САВДОЛАРИ АГЕНТЛИГИ ВА «РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ» масъулияти чекланган жамияти шуни маълум қиладики:

2004 йил 16 июль куни кимошди савдосида бошланғич нархи — 512 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, лойиҳадаги Г-64,0 м ва Г-38,0 м кўчаларида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 га. бўлган:

33-сонли ер майдони — 750 000 сўмга,

36-сонли ер майдони — 750 000 сўмга сотилди.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Кодирий кўчаси, 13-уй. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.

Хизматлар лицензияланган

«Осиё таймс» нашриёт уйи, STV телекомпанияси, «Меридиан», «Сўғдиёна», «Даракчи PLYUS» газеталари таҳририятлари «Даракчи» газетаси бош муҳаррири Анвар Намозовга буваси НАМОЗ бобонинг вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.